

ОАВ ТИЛИ

УЎК (УДК, UDS):81-23.: 372.8.
DOI: 10.36078/1577694603

ФОРС ТИЛИДАГИ ГАЗЕТА МАТНЛАРИДА НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



Дилфуза Рафукжановна АХМЕДОВА
Филология фанлари доктори
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Эрон-афғон филологияси кафедраси доцент в.б.
Тошкент, Ўзбекистон
dilakhmedova@mail.ru

Аннотация

Ҳозирги кунда тилшуносликда тилни функционал-услубий аспектда ўрганиш жадал ривожланиб бораётган йўналишлардан саналиб, тил бирликларининг турли функционал услублар сатҳида қўлланишини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бутун дунё ижтимоий-сиёсий вазиятининг ўзгариб бориши натижасида матбуот воситаларининг аҳамияти ошиб боргани сари, уни чуқур ўрганиш талаби ҳам ошмоқда.

Публицистик матнлар, хусусан, газета матнини лингвистик таҳлил қилишга функционал ёндашувда тил бирликларининг семантикаси ва шакли, уларнинг матн ҳосил қилишдаги вазифасидан келиб чиқиб ўрганилади. Ушбу функцияни бажаришда тил бирлигининг семантикаси ва шакли уни газета матнини вужудга келтирувчи воситага айланади. Эроншуносликда ҳам сўз туркумлари ва уларнинг маъновий гуруҳларини функционал услублар доирасида қўлланиши таҳлили алоҳида аҳамият касб этса-да, бу борада махсус тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Форс тили газета-публицистик услубини тадқиқ этиш замонавий эроншуносликнинг муҳим йўналишларидан саналади.

Форс тили газета матнларида феълнинг барча семантик гуруҳлари қўлланилади. Лекин, мазкур мақолада нутқ феълларининг газета матнларида қўлланишида ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди. Бинобарин, нутқ феъллари барча тилларда бўлгани каби форс тилида ҳам ахборот етказишда фаол қўлланивчи воситалардан бири саналади.

Калит сўзлар: газета публицистик услуби; феъл сўз туркуми; матн; маъно гуруҳи; нутқ феъллари; информативлилик; феълнинг функционал хусусиятлари.

СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ГЛАГОЛОВ РЕЧИ В ПЕРСИДСКИХ ГАЗЕТАХ

Дилфуза Рафукжановна АХМЕДОВА
Доктор филологических наук, и.о. доцента
Кафедра ирано-афганской филологии
Ташкентский государственный институт востоковедения

Ташкент, Ўзбекистан
dilakhmedova@mail.ru

Аннотация

В настоящее время одним из активно развивающимся направлением в лингвистике является изучение языка в функционально-стилистическом аспекте. Особое внимание уделяется исследованию использования языковых единиц в различных функциональных стилях.

Публицистические тексты изучаются согласно функциональному подходу к лингвистическому анализу газетных текстов, исследуются, исходя из семантики и формы языковых единиц, их функции в формировании текста. В реализации этой функции семантика и форма языковой единицы превращаются в средство, порождающие газетный текст. Несмотря на то, что и в иранистике особую важность обретает анализ применения частей речи и их семантических групп в рамках функциональных стилей, но тем не менее отсутствуют исследования на данную тему. Исследование газетно-публицистического стиля персидского языка является важнейшим направлением современной иранистики.

В персидских газетных текстах используются все семантические группы глаголов. Однако, в этой статье анализируются своеобразные особенности глаголов речи в газетных текстах. Следовательно, глаголы речи, существующие во всех языках, и в персидском языке являются одним из активных средств, выполняющих функцию передачи информации.

Ключевые слова: газетно-публицистический стиль; глагол; текст; тематическая группа; глаголы речи; информативность; функциональные особенности глаголов.

STYLISTIC FEATURES OF VERBS OF SPEECH IN PERSIAN NEWSPAPERS

Dilfuza Rafukjanovna AKHMEDOVA

Doctor of Science

Tashkent State Institute of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

dilakhmedova@mail.ru

Abstract

Language is one of the most complex phenomenon of human society. Certain language means and styles, which we constantly use in communication, form a system. Due to the continuous development of the language, change the objectives and tasks of the various functional styles, stylistic unimaginable separation of speech as an inalterable dogma. Therefore, in theory there are no universally accepted criteria for style stylistic differentiation. However, the division into functional speech styles represented not only legitimate but also necessary if it is made in view of the dynamics of the processes occurring in the natural language and society. The subject of the research is the newspaper-publicistic style of speech.

Newspaper-journalistic style has specific features and the main task of the materials of this style is to report certain information to certain positions; thereby achieving the desired effect on the reader or listener. The content of the newspaper and informational messages is different in that here we are talking about events that are available for a broad understanding of the layers of non-specialists, directly or indirectly related to their lives and interests.

Persian newspaper texts use all semantic groups of verb. However, this article analyzes the peculiarities of speech verbs in newspaper texts. Therefore, verbs of speech that exist in all languages and in the Persian language are one of the active means that perform the function of transmitting information.

The verb can be a base of the newspaper texts. In Persian, the verb is expressed in terms of behavior, time, virtue, and personality, or by actions. The grammar categories are typically reflected in the newspaper texts.

Keywords: newspaper style; verbs; text; thematic group; verbs of speech; informative; functional features of verbs.

Кириш

Дунёда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариб бориши, ўз навбатида жамиятнинг янгиликларга бўлган талабини оширади. Ҳозирги кунда ҳаётимизда матбуот воситаларининг аҳамияти ошиб боргани сари, уларни чуқур ўрганиш талаби ҳам ошмоқда. Газета тили матн бирликларидан ташкил топади. Ушбу бирликлар ўз навбатида стилистиканинг ўрганиш объекти саналади.

Феъл ўрганиш объекти сифатида бир қатор тилшунослар эътиборида бўлиши бежиз эмас. Кўпчилик олимлар маълум воқеани тасвирлашда барча зарур компонентларни ўз ичига олган феълнинг мураккаб семантик тузилишини таъкидлайдилар.

Феълларнинг семантик таркиби мураккаблиги ҳақида А.А.Уфимцева куйидаги фикрларни билдиради: “Феъл лексемалар, уларнинг номинациясида турли семантик белгилар, турли ҳаракатлар, жараёнлар, ҳолатларнинг шу ҳаракат ва ҳолатларни амалга оширувчи предмет ва шахслар билан алоқалари ракурси қайд этилган сўз белгиларидир” (4, 117).

Е.Кубрякова эса “феъл нафақат ҳаракат, жараён ёки ҳолат ҳақида, балки инсон фаолияти билан боғлиқ вазиятлар ҳақида маълумот бериши”ни таъкидлайди (3). Демак, феъл нафақат иш-ҳаракат турини номлаш, балки бутун жараённи тасвирлаш имконига эга.

Бугунга қадар газеталар лексикаси бўйича тилшуносликда муайян илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да, ушбу мавзу газета матнларига янги ёндашувни қўллаш орқали ўрганилмаганлиги, тилшуносликка янги йўналишларнинг кириб келишини таъминлаши билан бирга, газета матнлари тадқиқининг янги методларини шакллантириш лозимлигини кўрсатади.

Мавзунинг мақсади форс тили газета матнларида феълларнинг таркиби, уларнинг функционал-услубий хосликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Газета элементларини тавсифлашда анализ, газета матнларидан танлаб олинган мисолларни изоҳлашда интерпретация, лексемаларнинг ранг-баранглигини ўрганиш жараёнида тавсифий, қиёсий, микдорий, умумлаштириш, семантик-услубий таҳлил, шунингдек, контекстуал ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Олинган натижа ва мулоҳазалар

Нутқ – инсон фаолияти турларидан бири. Фаолият субстанция, ҳолат ёки хусусият эмас, балки жараёндир. Шу маънода нутқ феъллари маъносининг асосий компонентларидан бири жараён тушунчаси ҳисобланади. Форс тилидаги گفتن – гапирмоқ феълининг тилдан фойдаланиш кўникмаси (малакаси)га эга бўлмоқ маъноси ана шундай семемалар қаторига киради. Бу семема структурасигапириш кўникмасигаэгаликвагапирувчи (субъект)компонентлариданиборат. Нутқ феълларининг бошқа маънолари бу семемага нисбатан анча мураккаб структурага эга: улар таркибида гапирувчи (субъект), тингловчи, жараён, мазмун каби элементлар мавжудлиги сезилиб туради. Лекин бу семантик элементларнинг мавқеи барча семемалар таркибида бир хил эмас. Нутқ феъллари маънолари структурасининг турлилиги мазкур феълларнинг семантик томондан турлича гуруҳланишини келтириб чиқаради.

Маълумки, публицистик услуб бошқа услублардан ўзининг кўпжанрлилиги билан ажралиб туради. Унинг жанрлари ичида ахборот (информацион) жанри ўзига хос ўринга эга.

Ахборот матни муҳим воқеалар ҳақида хабар бериб, маълумотни оператив равишда етказиб беришга йўналтирилгани учун феълларнинг фаол қўлланишини тақозо этади. Ахборот матнларида феъл семантикаси ўзига хос хусусият касб этади. Унда ахборот, таъкид ва тасдиқ маъносиги эга нутқ феъллари асосий ўринни эгаллайди.

Тўпланган материаллар таҳлили давомида эрон газета матнларида фаол қўлланувчи گفتن – айтмоқ, تاکید کردن – таъкидламоқ, افزودن – қўшимча қилмоқ, تصریح کردن – изоҳламоқ, توضیح دادن – эслатиб ўтмоқ, یادآور شدن, خاطرنشان کردن – аниқламоқ, بیان داشتن – баён қилмоқ каби нутқ феъллари аниқланди.

Мазкур гуруҳ феъллари бир томондан ахборот олиш манбасига, иккинчи томондан унинг ишончлилигига ишора қилади. Ахборот матнларида нутқ феълларининг асосий семантик белгиси берилаётган ахборотнинг ишончлилиги ва унинг тасдиғи ҳисобланади.

Маълум бир услубнинг спецификасини аниқлашда мазкур услубнинг доминант функциясини амалга оширишда фаол қўлланувчи лексик гуруҳларни ўрганиш катта аҳамият касб этади. Маълумки, публицистик услубга информатив ва таъсир этувчи функция хослиги инобатга олинса, нутқ феъллари мазкур услубни шакллантирувчи лексика сифатида хизмат қилади.

Нутқ феъллари газета матнларида ахборот бериш функциясини бажариб, “ахборот бериш” семаси остида бирлашади. Лексик семантик майдоннинг асосини گفتن – айтмоқ (таржимасини беринг) феъли ташкил этади. Газета

матнларида нутқ феълларининг қўлланишидаги ўзига хослик шундаки, унда турли феъллар бир маънода қўлланиши мумкин. Масалан, جواب دادن – *жавоб бермоқ* ва گفتن – *айтмоқ* бир маънода *демоқ*, *айтмоқ* маъносида қўлланиши мумкин.

Газета матнларида қўлланган нутқ феъллари нафақат кўчирма гап таркибида балки, оддий гап таркибида ҳам кенг қўлланиши кузатилади. Нутқ феълларининг лексик-семантик таҳлили натижсида улар асосий семаси *нутқни амалга оширмоқ* бўлган *фактлар ҳақида ахборот бермоқ*, *бирон нарса билан боғлиқ фикрни билдирмоқ*, *бирор нарса ҳақида гувоҳлик бермоқ*, *бирор нарсага ишора қилмоқ* каби маъноларда қўлланади. Энг асосий хусусияти эса нутқ феъллари *хабар бермоқ* маъносида қўлланишидир.

Газета матнларида اظهار کردن, اعلام کردن феъллари нафақат *маълум нарса ҳақида ахборот бериш* балки, маълум расмий шахснинг сўзларида ифодаланган *нутқ жараёни* кучи ва йўналишини ифодалайди:

لاورف اظهار کرد: این اولین بار نیست که مقامات اسرائیلی از احتمال حمله به ایران اشاره کرده اند. موضع ما در این معلوم است - این امر میتواند یک اشتباه جدی مملو از عواقب غیر قابل پیش بینی شود . (5)

(Лавровнинг таъкидлашича, Исроил расмийларининг Эронга хужум қилиш эҳтимоли ҳақида хабарлари биринчи бор эмас. Бу масала бўйича бизнинг позициямиз яхши маълум. Бу жиддий хатодир, чунки бу кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.)

ر هبران گرجستان قبلا اعلام کرده اند که آمادگی روسیه برای معرفی یک رژیم بدون ویزا استقبال کردند. پیشنهاد بازسازی روابط دیپلماتیک در حال حاضر با دقت مورد توجه قرار گرفته است (7)

(Грузия раҳбарияти Россиянинг визасиз режим жорий этишга тайёрлигини маъқуллаши ҳақида хабар берди. Дипломатик муносабатларни тиклаш бўйича таклиф ҳозирги кунда диққат билан кўриб чиқилмоқда.)

– تعریف کردن – *айтиб бермоқ*, بازگو کردن – *сўзлаб бермоқ*, نقلکردن – *таърифламоқ* феълларининг лексик маъноси газета матнларида *ахборот бермоқ* доминант феъли семантикаси билан узвий боғлиқ.

مسئول عملیات نجات نقل کرد: امروز ما عملیات نجات را ادامه خواهیم داد. در آستانه جمع آوری 4000 بشکه نفت موفق شدیم همه چیز را برای جلوگیری از یک فاجعه زیست محیطی انجام دهیم (6) .

(Бугун кутқарув амалиётини давом эттирамиз. Аввалига 400 минг баррель нефть йиғишга муваффақ бўлдик, биз экологик офатнинг олдини олиш учун қўлимиздан келганини қиламиз, — деб ахборот берди кутқарув ишларига масъул шахс.)

پيشنهاده کردن – *таклиф киритмоқ* феъли ҳам газета матнларида бирор нарса ҳақида хабар бериш, бирор ишнинг бажарилишини талаб этиш, бирор номзодни тавсия этиш каби маъноларини англатади.

در این راستا به اعتقاد من این شخص میتواند شما باشید و پیشنهاد میکنم که موقعیت وزیر دفاع را به دست آورید(6)

(Шу нуқтаи назардан қараганда, бундай шахс сиз бўлишингиз мумкин ва мулоқот вазир лавозимини эгаллашингизни тавсия қиламан.)

Нутқ феълларининг асосий маъноси газета матнларида коммуникантларнинг ижтимоий мавқеи, нутқнинг расмий норасмийлиги, нутқ мавзусини намоён этувчи нутқ шароити системасида намоён бўлади. Феълларнинг функцияси уларнинг лексик маъноси билан белгиланади. Газета матнларида нутқ феъллари газета-публицистик услубининг асосий функцияларидан бири ахборот ҳамда таъсир этиш функцияларини амалга оширишда асосий омиллардан ҳисобланади (1, 268).

Эрон газета матнлари доирасида асосий (бош, ўз) маънода қўлланган нутқ феълларини ўрганиш жараёнида уларнинг маъноси ва услубий бўёғи нутқ ҳолати асосида аниқланиши маълум бўлади. Шундай қилиб, нутқ вазиятида унда қатнашувчи нутқ адресант ва адресати, нутқ жараёнида қатнашувчиларнинг ўзаро муносабати, нутқ мавзуси, ҳолат ва вазияти каби компонентини аниқлаш мумкин.

Вазиятдан келиб чиқиб ҳар бир нутқ вазияти ичида расмий ва норасмий мулоқот вазияти ажратилади. Мана шу мулоқот вазияти феъл лексемаларни танлаб олишга таъсир кўрсатади. Шу сабабли турли лексик семантик гуруҳдаги феълларнинг турли нутқ вазиятида қўлланиши фаоллиги турлича. Эрон газета матнларида хабар, мулоқот, таъсир, мурожаат ҳамда нутқ фаолияти каби лексик семантик гуруҳига оид нутқ феъллари қўлланади. Мазкур лексик семантик гуруҳ феъллари турли нутқ вазиятларида қўллансада, баъзилари расмий ва баъзилари эса норасмий вазиятда қўлланиши фаоллиги аниқланди. Масалан, расмий нутқ вазиятида асосан хабар лексик семантик гуруҳга оид феъллар фаол бўлса, нутқ фаолияти лексик семантик гуруҳга оид феъллар нофаол қўлланиши кузатилади. Буни эса, адресатга бирорахборотни етказиш расмий мулоқотнинг асосий вазифаси саналиши билан асослаш мумкин.

В.Костомаров фикрича, экспрессия ва стандарт услубнинг конструктив принципи ҳисобланади (1, 65). Стандартлаштириш, услубнинг конструктив принципларидан бири сифатида қабул қилинса, ахборотнинг тез узатилишини таъминлайди, вақтни тежаш, воқеа ҳодисаларга оператив тарзда жавоб қайтаришни таъминлаб, услубнинг нейтрал фонини вужудга келтиради. Шу

билан бирга бу маълум қолипларнинг вужудга келишига ҳам олиб келиши мумкин.

Эрон газета тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири бирор шахс нутқи ёки фикри ифодаланган мақолада ҳар бир жумла маълум қолипдаги феъл шакллари билан бошланади. Бунда асосан *گفت* – *деди*, *تاکید داشت*, *تاکید کرد*, *تاъкидлади*, *افزود* – *қўшимча қилди*, *خاطر نشان کرد*, *یادآور شد*, *эслатиб ўтди*, *توضیح داد* – *изоҳ берди*, *تصريح کرد* – *аниқлаб ўтди*, *ادامه داد*, *داвом этди*, *اظہار کرد*, *изҳор этди*, *بیان داشت* – *баён қилди* каби феъллар қўлланади.

در همین حال عضو شورای مرکزی جمعیت ایثارگران، گفت: این که ضرغامی سه ماه از سرکار آمدن دولت نگذشته، برای ریاست جمهوری خود برنامه ریزی کند، صحت ندارد (5).

(Айни пайтда, Хайрия жамияти Марказий Кенгаши аъзоси, Зарғоми ҳукуматга келганига уч ой бўлмасдан, унинг президентликка номзодини қўйиши нотўғри эканлигини айтди.)

وی افزود: تلفات انرژی برق در شبکه های توزیع در آغاز به کار دولت یازدهم ۱۵ درصد بود که امروز به کمتر از ۱۱ درصد کاهش یافته است (7).

(Унинг сўзларига кўра, 11-ҳукумат фаолиятининг бошида электр тарқатиш тармоқларидаги йўқотиш 15 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 11 фоизга камайган.)

وی خاطرنشان کرد: دیدگاه داخلی نسبت به اصلاحات سیاسی، امنیتی و اقتصادی در عراق با دیدگاه کسی که از خارج عراق به این اصلاحات مینگرد، تفاوت دارد (6).

(Ироқдаги сиёсий, хавфсизлик ва иқтисодий ислоҳотларга ички нуқтаи назар жиҳатидан ёндашув, ушбу ислоҳотларга Ироқдан ташқарида туриб қарайдиган шахснинг қарашлари билан фарқ қилишини таъкидлади.)

وي همچنین تأکید کرد: تعداد مسافرائی که از امکانات این مراکز استفاده کرده اند، نسبت به سال گذشته بیشتر شده است (5).

(Шунингдек, ушбу марказларнинг имкониятларидан фойдаланган сайёҳлар сони ўтган йилга нисбатан ортгани ҳақида таъкидлади.)

Бу феъллар ичида *گفتن* – *айтмоқ*, *تاکید کردن* – *таъкидламоқ*, *افزودن* – *қўшимча қилмоқ*, *خاطر نشان کردن* – *эслатиб ўтмоқ* каби феъллар сермахсул бўлса, *توضیح دادن* – *таъкидламоқ*, *تاکید داشتن* – *эслатиб ўтмоқ*, *نیادآور شد* – *изоҳламоқ*, *اظہار کردن* – *давом этмоқ*, *ادامه دادن* – *аниқламоқ*, *تصريح کردن* – *изоҳламоқ*, *بیان داشتن* – *баён қилмоқ* каби феъллар каммахсул феъллар қаторига киради.

وی یادآور شد: آب، هوا، تامین انرژی و منابع خاک از جمله مسایل امروز مردم جهان محسوب میشود (7).

Энергетика вазири газ электр станцияларини мураккаб циклга ўтказишга ишора қилиб, деди...

қолипи: “...га ишора қилиб қўшимча қилди” ба ашаре бе чизу афзуд

رئيس جمهور غانا با اشاره به مذاکرات خود در تهران و امضای چند یادداشت تفاهم، افزود: (5).

(Гана президенти Техрондаги музокаралар ва бир қатор меморандумлар имзоланишига ишора қилиб, деди...)

қолипи: “...га ишора қилиб ўз фикрини изҳор этди” ба ашаре бе чизу афзуд

حضرت آیت الله خامنه ای رهبر معظم انقلاب اسلامی روز گذشته در دیدار رئیس جمهوری غانا با اشاره به نگاه مثبت و جانبدارانه ایران به افزایش همکاری با کشورهای افریقائی از ابتدای انقلاب اسلامی خاطرنشان کردند: (7) ...

(Ислом инқилоби Раҳбари Оятуллоҳ Хоманеи, кеча Гана президенти билан учрашувда Эроннинг ислом инқилоби бошидан Африка давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга ижобий ёндашувига тўхталиб ўтиб, таъкидладилар.)

қолиплари: “...ни деб ҳисоблаб деди” чизура خوانд

ایشان سیاست ثابت جمهوری اسلامی در قضیه سوریه را "طرفداری از صلح" برشمردند و گفتند ...

(5)

(Улар Сурия масаласида Эрон Ислом Республикасининг қатъий сиёсатини “тинчлик тарафдорлиги” деб атаб, давом эттилар...)

رهبر انقلاب، راه حل مسئله سوریه و مقابله با مشکلاتی نظیر تروریسم و رنجهای مردم فلسطین را در گروهی همکاری و نزدیک شدن بیشتر کشورهای مستقل خواندند و گفتند (6)...

(Инқилоб раҳбари Сурия масаласи, терроризм ва Фаластин халқининг азоб-уқубатларига қарши кураш масалаларини ҳал қилиш мустақил давлатларнинг яқинлиги ва бирлигига боғлиқ эканлигини таъкидлаб дедилар...)

ایشان ادعای امریکاییها مبنی بر تشکیل "ائتلاف مبارزه با تروریسم" را یک فریبکاری خواندند و

تاکید کردند (5)...

(Улар америкаликларнинг “терроризмга қарши коалиция тузиш” таклифи ёлғонлигини таъкидлаб, дедилар...)

қолипи: “...ни таъкидлаб қўшимча қилди” ба ашаре бе чизу афзуд

افزودند (7)...

“үмид билдириб” қолипи: аظهر امیدواری کرد

(Ислом инқилоби раҳбари сўзининг охирида умид билдириб деди...).

در صد رشد داشته است (6).

Умуман, феълларнинг газета матнларида қўлланишини ўрганиш орқали, газета-публицистик услубидаги семантик ва услубий имкониятлари ён бўлади. Бу имкониятларнинг намоён бўлишида феълнинг нисбат, д, майл ва шахс-сон категориялари муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, феълнинг семантик гуруҳлари ичида нутқ феълларининг газета матнларида ўзига хос услубий хусусиятларни намоён этиши уларнинг ахборот етказувчи восита сифатида талқин этилиши билан боғлиқ. Эрон газета матнларида گفتن – айтмоқ, تاکید کردن – таъкидламоқ, نیادآور شد, خاطر نشان کردن – қўшимча қилмоқ, افزودن – таъкидламоқ, اضافه داشتند – таъкидламоқ, تصریح کردن – аниқламоқ, ادامه دادن – давом этмоқ, توضیح داد – аниқламоқ, اظهار کردن – изҳор этмоқ, بیان داشتن – баён қилмоқ каби нутқ феълларининг фаоллиги кўзатилади.

1. Костомаров В. Г. Лингвистический статус массовой коммуникации и проблемы «газетного языка» // Психолингвистические проблемы массовой коммуникации. — М.: Наука, 1974. С. 48–57.
2. Кронгауз М. А. Семантика. — М.: Изд-во РГГУ, 2001. — 399 с.
3. Кубрякова Е. С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. — М.: Языки словянской культуры, 2004. — 560 с.

4. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. — М.:Наука, 1974. — 205 с.
5. روزنامه سياست روز. ۱۳۹۴ اردیبهشت. ۱۷. شماره. ۳۹۰۴. ص. ۴.
6. روزنامه اطلاعات. ۱۳۹۴ بهمن. ۲۰. شماره. ۲۴۳۸۰. ص. ۶.
7. روزنامه جمهوری اسلامی. ۱۳۹۴ فروردین. ۱. شماره. ۱۰۲۷۴. ص. ۱۶.

REFERENCE

1. Kostomarova V.G. *Lingvisticheskiy status massovoy kommunikatsii I problema gazetnogo yazika* (Linguistic status of mass communication and the problem of "newspaper language), Psycholinguistic problems of mass communication, Moscow: Science, 1974, pp. 48–57.
2. Krongauz M.A. *Semantics* Moscow: Science, 2001, 399 p.
3. Kubryakova E.S. *Yazyk i znanie: Na puti polucheniya znaniy o yazyke: Chasti rechi s kognitivnoi točki zreniya* (Language and knowledge: On the way to gaining knowledge of language: Parts of speech from a cognitive perspective.), Moscow: Languages of Slavic culture, 2004, 560 p.
4. Ufimseva A.A. *Tipy slovesnykh znakov* (Types of verbal signs), Moscow: Science, 1974, 205 p.
5. Ruzname-ye siyasat-e ruz. Ordibehešt 1394. Šomare-ye 3894.
6. Ruzname-ye etela'at. Bahman 1394. Šomare-ye 24379.
7. Ruzname-ye jomhuri-ye eslami. Farvardin 1394. Šomare-ye 10301.